



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

### Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ижроси ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан  
ҳимоя қилиш тўғрисида” 2019 йил 2 сентябрдаги ЎРҚ-561-сон Қонуни ижросини  
таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўқувчи ва ёшлар ташкилотлари билан ишлаш бошқармаси (Р.Талипов),  
Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси (А.Тагаев), Ўқувчиларни касб-ҳунарга  
йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис маркази (Л.Гайнутдинова)га:

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат  
ҳамда қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

таълим муассасаларидаги хотин-қизларни мажбурий меҳнатга  
ва ғайриижтимоий хулқ-атворга жалб қилиш ҳоллари аниқланганлигига доир  
фактлар тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасида  
фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлар  
ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликни  
ривожлантириш;

таълим муассасаларида хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя  
қилиш бўйича таълим муассасаларининг амалиётчи психологлари учун махсус  
ўқув дастурларини ишлаб чиқиш;

қонуннинг мазмун-моҳиятини педагог ходимлар ва ўқувчиларга  
тушунтириш чораларини кўриш вазифалари юклатилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар  
халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, халқ  
таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича  
худудий марказлари ҳамда барча таълим муассасаларига:

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишга доир  
чора-тадбирларни амалга ошириш;

таълим муассасаларида бўш вақтни мазмунли ўтказишни таъминлаш  
мақсадида тадбирлар ташкил этиш;

таълим муассасаларида хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя  
қилишга мойил шахслар билан яқка тартибда профилактика тадбирларини ўтказиш  
бўйича таълим муассасаларининг амалиётчи психологлари масъулиятини ошириш;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишга доир фаолиятни  
амалга оширувчи ҳамда ушбу фаолиятда иштирок этувчи бошқа органлар  
ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

қонуннинг мазмун-моҳиятини педагог ходимлар ва ўқувчиларга тушунтириш чораларини кўриш вазифалари юклатилсин.

3. Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлими (А.Умаров) хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишга доир фаолият юзасидан ўтказиладиган тадбирларни оммавий ахборот воситаларида ҳамда вазирликнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида ёритиб борсин.

4. Вазирлик- Девонхонаси (Х.Раҳимбоева) Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва мазкур буйруқни вазирлик тизимидаги барча ташкилот ва муассасаларга етказсин.

5. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

Вазир



Ш.Шерматов

Тошкент ш.,  
2019 йил “5” сентябрь,  
292-сон